

“Таълим тизимидаги ислоҳотлар мамлакат тараққиётининг пойдевори” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди



Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутатлари Шухрат Ҳайитов ва Зухра Примқуловалар тумандаги 2-сонли умумтаълим мактабида "Ўзбекистон - 2030" стратегиясида ёшлар масалалари бўйича белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида “Таълим тизимидаги ислоҳотлар мамлакат тараққиётининг пойдевори” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида депутатлар томонидан Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони асосида инсон тақдири, ёшларнинг таълим ва тарбия олишлари учун яратилган шарт-шароитларга тўхталиб ўтилди.